

2174/7510 – وَعَنْهُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، ذَكَرَ الْحَدِيثُ الشَّفَاعَةَ، وَقَدْ تَقَدَّمَ مُطَوَّلًا مِنْ رِوَايَةِ أَبِي هُرَيْرَةَ، وَزَادَ هُنَا فِي آخِرِهِ: فَيَأْتُونَ عِيسَى فَيَقُولُ: لَسْتُ لَهَا، وَلَكِنْ عَلَيْكُمْ بِمُحَمَّدٍ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ. فَيَأْتُونِي، فَأَقُولُ: أَنَا لَهَا، فَاسْتَأْذِنُ عَلَى رَبِّي فَيُؤْذِنُنِي لِي، وَيُلْهِمُنِي مُحَامِدَ أَحْمَدَهُ بِهَا لَا تَحْضُرُنِي الْآنَ، فَأَحْمَدُهُ بِتِلْكَ الْمَحَامِدِ، وَأَخِرُّ لَهُ سَاجِدًا، فَيُقَالُ: يَا مُحَمَّدُ، ازْفَعْ رَأْسَكَ، وَقُلْ يُسْمَعُ لَكَ، وَسَلْ نَعْطَ، وَاشْفَعْ تُشَفِّعَ. فَأَقُولُ: يَا رَبِّ، أُمَّتِي أُمَّتِي، فَيُقَالُ: انْطَلِقْ فَأَخْرِجْ مَنْ كَانَ فِي قَلْبِهِ مِثْقَالُ شَعِيرَةٍ مِنْ إِيْمَانٍ، فَأَنْطَلِقُ فَأَفْعَلُ، ثُمَّ أَعُودُ فَأَحْمَدُهُ بِتِلْكَ الْمَحَامِدِ ثُمَّ أَخِرُّ لَهُ سَاجِدًا، فَيُقَالُ: يَا مُحَمَّدُ ازْفَعْ رَأْسَكَ، وَقُلْ يُسْمَعُ لَكَ، وَسَلْ نَعْطَ، وَاشْفَعْ تُشَفِّعَ. فَأَقُولُ: يَا رَبِّ، أُمَّتِي أُمَّتِي، فَيُقَالُ: انْطَلِقْ فَأَخْرِجْ مِنْهَا مَنْ كَانَ فِي قَلْبِهِ مِثْقَالُ ذَرَّةٍ خَرَدَلٍ مِنْ إِيْمَانٍ، فَأَنْطَلِقُ فَأَفْعَلُ. ثُمَّ أَعُودُ فَأَحْمَدُهُ بِتِلْكَ الْمَحَامِدِ، ثُمَّ أَخِرُّ لَهُ سَاجِدًا، فَيُقَالُ: يَا مُحَمَّدُ ازْفَعْ رَأْسَكَ، وَقُلْ يُسْمَعُ لَكَ، وَسَلْ نَعْطَ، وَاشْفَعْ تُشَفِّعَ. فَأَقُولُ: يَا رَبِّ، أُمَّتِي أُمَّتِي. فَيُقَالُ: انْطَلِقْ فَأَخْرِجْ مَنْ كَانَ فِي قَلْبِهِ أَدْنَى أَدْنَى مِثْقَالِ حَبَّةٍ خَرَدَلٍ مِنْ إِيْمَانٍ، فَأَخْرِجْهُ مِنَ النَّارِ. فَأَنْطَلِقُ فَأَفْعَلُ.

2174.7510. Маъбад ибн Хилол Аназий сўзлаб берди:

«Бир гуруҳ басраликлар тўпланиб, Анас ибн Моликнинг ҳузурига бордик. Ундан шафоат ҳадиси ҳақида сўраб берсин, деб ўзимиз билан Собитни ҳам олиб бордик. Борсак, у ўзининг қасрида экан. Биз унинг чошгоҳ намозини ўқиб турганига тўғри келибмиз. Изн сўраган эдик, тўшагида ўтирганча бизга изн берди. Биз Собитга: «Шафоат ҳадисидан олдин ҳеч нарса ҳақида сўрама», дедик. У: «Эй Абу Ҳамза! Булар басралик биродарларинг, сенинг олдингга шафоат ҳадиси ҳақида сўраш учун келишган», деди. У (Анас розияллоҳу анху) шундай деди: «Бизга Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай сўзлаб бердилар: «Қиёмат куни одамлар жунбушга келиб, бир-бирининг устига чиқиб кетишади. Шунда улар Одамга келиб, «Роббингнинг ҳузурига бизни шафоат қил», дейишади. У: «Мен у мақомда

эмасман. Сизлар Иброҳимга боринглар, чунки у Раҳмоннинг Халилидир», дейди. Улар Иброҳимга келишса, у ҳам: «Мен у мақомда эмасман. Сизлар Мусога боринглар, чунки у Калимуллоҳдир», дейди.* Улар Мусога келишса, у ҳам: «Мен у мақомда эмасман. Сизлар Ийсога боринглар, чунки у Аллоҳнинг (илқо қилган) руҳи ва калимасидир», дейди. Улар Ийсога келишади. У ҳам: «Мен у мақомда эмасман. Сизлар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга боринглар», дейди. Шунда улар менга келишади. Мен: «Мен шу мақомдаман», дейман. Кейин Роббимнинг ҳузурига изн сўрайман, менга изн берилади. У Зот мен айтадиган, ҳозир эса ҳаёлимга ҳам келмайдиган ҳамдларни менга ўргатади, мен ўша ҳамдлар билан У Зотга ҳамд айтаман ва Унга саждага йиқиламан. Шунда: «Бошингни кўтар, эй Муҳаммад! Гапиргин, тингланади. Сўрагин, берилади. Шафоат қил, шафоатинг қабул қилинади!» дейилади. Мен: «Эй Роббим, умматим, умматим!» дейман. Шунда: «Бор, қалбида арпа донаси оғирлигича иймони борини (дўзахдан) чиқар», дейилади. Мен бориб, шундай қиламан. Кейин қайтиб, ўша ҳамдлар ила У Зотга ҳамд айтаман-да, сўнг Унга саждага йиқиламан. Шунда: «Бошингни кўтар, эй Муҳаммад! Гапиргин, тингланасан. Сўрагин, сенга берилади. Шафоат қил, шафоатинг қабул қилинади!» дейилади. Мен: «Эй Роббим, умматим, умматим!» дейман. Шунда: «Бор, қалбида зарра [ёки хардал донаси] оғирлигича иймони борини ундан (дўзахдан) чиқар», дейилади. Мен бориб, шундай қиламан. Кейин қайтиб, ўша ҳамдлар ила У Зотга ҳамд айтаман-да, сўнг Унга саждага йиқиламан. Шунда: «Бошингни кўтар, эй Муҳаммад! Гапиргин, тингланасан. Сўрагин, берилади. Шафоат қил, шафоатинг қабул қилинади!» дейилади. Мен: «Эй Роббим, умматим, умматим!» дейман. Шунда: «Бор, хардал уруғи оғирлигидан озининг озидан ҳам оз иймони борини чиқар, уни дўзахдан чиқар», дейилади. Мен бориб, шундай қиламан».

2174/7510 - «...» :... ..
... ..
... ..
... ..
... ..
... ..
... ..
... ..

2174a/7510

Анас ибн Моликнинг ҳузуридан чиққанимиздан сўнг шерикларимиздан бирига: «Ҳасаннинг олдига кириб, Анас ибн Молик бизга айтиб берган нарсани айтиб берсак-чи!» дедим. У Абу Халифанинг манзилига яшириниб олган эди. Унинг олдига келиб, унга салом бердик. У бизга изн берди. Биз унга: «Эй Абу Саъид! Биз сенинг олдингга биродаринг Анас ибн Моликнинг ҳузуридан келяпмиз. У бизга шафоат ҳақида айтиб берганидек ҳадисни эшитмаганмиз», дедик. У: «Хўш?» деди. Биз унга ўша ҳадисни сўзлаб бердик. Ўша жойига келганимизда у яна: «Хўш?» деди. Биз: «У бизга бундан зиёдасини айтмади», дедик. Шунда у: «У буни менга бундан йигирма йил

олдин, навқирон пайтида айтиб берган эди. Билмайман, у унутганми ёки суяниб қолишингизни истамаганми», деди. Биз: «Эй Абу Саъид, ўзинг бизга айтиб бера қол», дедик. У кулиб юборди ва шундай деди: «Инсон шошқалоқ қилиб яратилган. Ўзи мен уни сизларга сўзлаб бермоқчи бўлганим учун айтган эдим. У буни худди сизларга айтиб берганидек, менга ҳам айтиб, шундай деган эди: «Кейин тўртинчи бор қайтиб, У Зотга ўша ҳамдлар ила ҳамд айтаман-да, сўнг Унга саждага йиқиламан. Шунда: «Бошингни кўтар, эй Муҳаммад! Гапиргин, тингланади. Сўрагин, сенга берилади. Шафоат қил, шафоатинг қабул қилинади!» дейилади. Мен: «Эй Роббим, «Лаа илааҳа илаллоҳ» деганки киши хусусида менга изн бер!» дейман. Шунда У Зот: «Иззатим, улуғлигим, кибриёим ва азаматимга қасамки, «Лаа илааҳа илаллоҳ» деганки кишини албатта ундан (дўзахдан) чиқаражакман», дейди».

Манба: hadis.islom.uz

